



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2016 йил 9 январь, № 6 (6441)

Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЮКСАК САЛОҲИЯТЛИ КАДРЛАР

мамлакатимиз муҳофаа қудратини оширишда муҳим ўрин тутди

14 январь — Ватан ҳимоячилари куни юртимизда миллий байрам сифатида кенг нишонланади. Бу бежиз эмас, албатта. Бугунги тинч ва осойишта, фаровон ҳаётимиз Куролли Кучларимиз томонидан ишончли тарзда ҳимоя қилинмоқдаки, мана шундай масъулиятли бурчни сидқидилдан адо этаётган, тараққиётимиз барқарорлигига камарбаста бўлаётган ўғлонларимизни ҳар қанча эъзозласак, ардоқласак арзийди.



14 ЯНВАРЬ — ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ

Давлатимиз раҳбарининг 2015 йил 9 декабрдаги фармойишига мувофиқ, ушбу сана билан боғлиқ тадбирлар жойларда "Таянчим ва суянчим, фахру ифтихоримсан, муқаддас Ватан!" широри остида ўтказилапти. Уларда мустақиллик йилларида миллий армиямизни профессионал асосда шакллантириш бўйича қилинган кенг кўламли ислохотлар самаралари ҳақида сўз юритилиб,

жумладан, ҳарбийлик касбининг нуфузи ошгани, ёшларимизда ҳарбий хизматга бўлган интилиш тобора юқалиб бораётгани алоҳида эътироф этилаётди. Аини кунларда Тошкент ахборот технологиялари университети тининг Махсус факультетида ҳам айём шуқу ҳукмрон. — Мазкур ўқув даргоҳи 1993 йилда ташкил этилган бўлиб, миллий армиямиз сафларига

юқори малакали офицерлар етказиб бераётган нуфузли олий ҳарбий таълим муассасаларидан бири саналади, — дейди факультет бошлигининг шахсий таркиби билан ишлаш бўйича ўринбосари, полковник Шухрат Юсупов. — Бугунги кунда бу ерда радиокоммуникация ва телекоммуникация тизимлари, ахборот хавфсизлиги ва ахборот технологиялари, махсус алоқа бўлинмалари ко-

мандири каби қатор мутахассисликлар бўйича кадрлар тайёрланмоқда. Таъкидлаш жоизки, факультетда ёшларнинг пухта билим олиши, ўз соҳасининг етук мутахассиси бўлиши учун барча шароит яратилган. Бу ердаги мухташам ўқув биноси ва унга уйғун ҳолда қурилган ҳар бир иншоот ўзига хослиги билан баҳридиллигини очади. Таълим-тарбия жараёни-

да энг сўнгги русумдаги техника ҳамда технологиялар, компьютер ва алоқа воситаларидан унумли фойдаланилаётгани Куролли Кучларимизга дунёқараши кенг, интеллектуал салоҳиятли, ҳар қандай шароитда тезкор қарор қабул қила оладиган мутахассислар етказиб беришда қўл келаётди.

(Давоми 4-бетда.)

ҒАМХЎРЛИК

Қарши шаҳридаги умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-хунар коллежларида таҳсил олаётган 1 минг 594 нафар спортчи қизга Президентимиз совғаси — спорт кийимлари тантанали равишда топширилди.

Спортчи қизларга — Президент совғалари

Бу мамлакатимизда эрта-миз эгаларини баркамол этиб тарбиялашга қаратилган юксак эътиборнинг яна бир ёрқин ифодасидир.

Айтиш жоизки, Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан 2003 — 2015 йилларда ҳудудда 190 та спорт иншооти қурилиб, ёшлар ихтиёрига берилди. Бу каби юксак ғамхўрликлар туфайли, масалан, 2015 йилга келиб спортга ошно тутинган 6-18 ёшли қизлар сони 53,6 фоизга етди. Ваҳолонки, мазкур кўрсаткич 2011 йилда 34,2 фоиз эди. Бундай тадбирлар Қашқадарё вилоятининг бошқа туман ва шаҳарларида ҳам ўтказилиб, спорт билан мунтазам шуғулланаётган 16 мингга яқин қизларга Президент совғалари берилди.

Ҳақд МУҲАММАДИЕВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

«Cotton Outlook»:

«Ўзбекистонда бошқарувнинг корпоратив тамойиллари жорий қилиниши пахта саноатининг иқтисодий самарадорлигини таъминлайди»

Буюк Британиядаги «Cotton Outlook» ташкилотининг веб-саҳифасида Мумбай шаҳри (Ҳиндистон)да бўлиб ўтган Пахта бўйича халқаро консултатив қўмитанинг 74-ялпи мажлисида Ўзбекистон иштирокига доир мақола эълон қилинди.

БИЗ ВА ЖАҲОН

Шуни таъкидлаш жоизки, Ливерпульда жойлашган «Cotton Outlook» дунёнинг нуфузли ихтисослаштирилган ташкилотлари қаторидан жой олган бўлиб, у 80 йил давомида жаҳон пахта бозорига рўй бераётган воқеалар ҳамда пахта индустриясидаги тамойиллар тўғрисидаги тўлақонли маълумотларни тақдим этиб келади. Ташкилот веб-саҳифасида ҳар куни етиштирилган асосий пахта навларига тақлиф этиладиган баҳоларнинг катта рўйхати эълон қилинадики,

унинг асосида савдо доиралари, ҳукуматлар ҳамда Савдо ва ривожланиш масалалари бўйича БМТ конференцияси ҳамда Пахта бўйича халқаро консултатив қўмитаси сингари ташкилотлар томонидан тан олинган индекслар ҳисоблаб чиқилади. Мазкур мақолада «Cotton Outlook» яқинда мамлакатимизда пахта хом ашёсини қабул этиштирилган асосий пахта навларига тақлиф этиладиган баҳоларнинг катта рўйхати эълон қилинадики,

лишда илмий тадқиқотлар олиб бориш фаолиятини ўзида мужассамлаштирган ягона «Ўзпахтасаноатэкспорт» холдинг компанияси ташкил этилганини ўқувчиларга билдирган. Шунингдек, бошқарувнинг корпоратив методларига таянган ҳолда иш юритадиган мазкур янги компаниянинг асосий мақсад-вазифалари пахта маҳсулоти сифатини юксалтириш, пахта ва чигитта илк ишлов бериш технологияларини такомиллаштириш ҳамда тармоқ иқтисодий самарадорлигини кучайтиришдан иборат эканлиги алоҳида таъкидланган.

Мақолада қайд этилганидек, Ўзбекистон делегациясининг ушбу форумдаги иштироки доирасида мамлакат пахта саноатида амалга оширилаётган тизимли ўзгаришлар, ҳаётга таъбиқ этилаётган исло-

ҳотлар натижалари Ўзбекистон пахта толасининг жаҳон бозоридagi ўрни ва рақобатдошлиги ортишида яққол намоён бўлаётгани, тала ишлаб чиқаришнинг барқарор суръатлари қузатилаётгани баробарида, уни мамлакат тўқимачилик корхоналарида қайта ишлашнинг ҳажми ҳам ортиб бораётгани тўғрисидаги батафсил маълумотлар тақдим қилинди. Эътироф этилганидек, ислохотлар пахта тармоғи иқтисодий самарадорлигининг юксалиши, фермер хўжалиқлари реал даромадларининг ўсиши, шунингдек, пахта ва ёғни қайта ишловчи корхоналар фаолиятининг кенгайиши имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ташаббуси билан ҳар йили Тошкентда ўтказилади-

ган Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркасининг ташкил этилишига «Cotton Outlook» кўп йиллардан буён ўз ҳиссасини қўшиб келади.

2015 йилнинг октябрида Тошкентда бўлиб ўтган XI Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркасида қатнашган «Cotton Outlook»нинг бошқарувчи директори Рэй Батлер Ўзбекистон жаҳон бозорига пахта толаси етказиб берадиган етакчи мамлакатлардан бири эканлигини таъкидлади. «Самарали сармоёвий сийёсат олиб борилаётгани туфайли пахтани қайта ишлаш коэффициенти замонавий босқичда 40 фоиздан ошди. Бу беш йил олдинги кўрсаткичдан икки баробар кўпдир», деди у.

«Жаҳон» АА, Лондон

Ютуқларимиз омили

Аини кунларда ортга бир назар ташлаб, ўтган йилни сарҳисоб этар эканмиз, 2015 йил юртимиз учун ҳар томонлама ҳосиятли ва файзли, муваффақиятларга бой бўлганга яна бир қарра ишонч ҳосил қиламиз.

ДИЛ СЎЗИ

Президентимизнинг халқимизга йўллаган Янги йил табригида бу ҳақда алоҳида тўхталиб ўтилган. Унда, жумладан, шундай сўзлар бор: «Кейинги 11 йил давомида мамлакатимиз иқтисодиёти жаҳондаги камдан-кам давлатлар қаторида барқарор суръатлар билан ривожланаётгани, шу жумладан, 2015 йилда ҳам ялпи ички маҳсулотимизнинг ўсиши 8 фоиздан кам бўлмаганининг ўзи, ҳақиқатан ҳам, тарихий бир воқеадир, десак, адашмаган бўламиз».

(Давоми 2-бетда.)

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

2015 йилда мамлакатимизда ялпи ички маҳсулот ҳажмининг ўсиши

8 фоизни ташкил этди.



Дунёдаги камдан-кам давлатлар қаторида Ўзбекистонимизда макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодий ўсишининг юқори суръатлари таъминлинишида ривожланишнинг «ўзбек модели» сифатида эътироф этилган, машҳур беш тамойилга асосланган чуқур ҳамда пухта ўйланган стратегиянинг изчил ва аниқ мақсадни кўзлаб амалга оширилаётгани муҳим омил бўлди.

ЭЪТИРОФ

Покистонда инглиз тилида нашр этиладиган "The Diplomatic Insight" ва "Diplomatic Focus" журналлари саҳифаларида республикамизнинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ривожланиши ҳамда Ўзбекистон — Покистон ўртасидаги ўзаро муносабатлар мавзуларига бағишланган мақолалар эълон қилинди.

«Ўзбекистон — замонавий, жадал ривожланаётган давлат»

Нашрларда ёзилишича, Ўзбекистон замонавий, жадал ривожланаётган давлат бўлиб, мамлакатда "Ислохот — ислохот учун эмас, аввало инсон учун" тамойили асосида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Журналлар давлатимизнинг ўз олдига қўйган асосий мақсади дунёнинг ривожланган мамлакатлари сафидан жой олиши, ўзбек халқининг муносиб ҳаёт даражасини ҳамда сифатини таъминлаш, Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги оубрўси ва эътиборини янада мустақамлаш билан изоҳланишини ўз қўувчиларига ҳавола қилган.

Хусусан, "The Diplomatic Insight" нашри Ўзбекистон ўзи танлаган йўл — тараққиётнинг чуқур ўйланган, машхур беш тамойилга асосланган ижтимоий-иқтисодий ривожланиш стратегиясига қатта эътиборни қаратган.

"Ўзбекистон бугунги кунда дунёнинг иқтисодий таъминоти билан ривожланаётган давлатлар ўртасида бешинчи ўринни эгаллайди. Биргина сўнгги 5 йил ичида мамлакат иқтисодиётига 67 миллиард АҚШ долларини зиёд маблағ йўналтирилди, унинг 21 фоизидан зиёди хорижий сармоялардир", дея ёзилади журналда.

Унда эътироф этилгандек, иқтисодиётда тизимли ўзгаришлар сиёсатини амалга ошириш, sanoatни диверсификациялаш, юқори технологияга асосланган янги ишлаб чиқариш тармоқларини йўлга қўйиш ва

иш ўринларини ташкил қилиш мамлакат учун устувор ҳамда долзарб вазифалар ҳисобланади.

"Шу ўринда Жиззах вилоятида 760 минг тонна портланд цемент ёки 350 минг тонна оқ цемент ишлаб чиқарадиган завод барпо этилган, темир йўл магистралларининг электрлаштирилиётгани, юқори тезликда ҳаракатланадиган йўловчи поездлар харид қилиниб, "Тошкент — Самарқанд" ва "Тошкент — Қарши" йўналишлари бўйича уларнинг ҳаракати йўлга қўйилганини мисол тариқасида келтириш мумкин".

"The Diplomatic Insight" журналида таъкидланишича, Конституция ҳамда унинг асосида яратилган қонунчилик базаси, шунингдек, 2010 йилда қабул қилинган Мамлакатда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси, 2011 ҳамда 2014 йилларда мамлакат Конституциясига киритилган тузатишлар жамиятни ислохот этиш, демократлаштириш ва либераллаштириш, мамлакатни модернизация қилиш, туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш бўйича пухта ўйланган, узоқ муддатга мўлжалланган дастур асосини ташкил этди. Бу ўринда журнал энг нуфузли халқаро иқтисодий ва таҳлил марказларининг маълумотларини келтиради. Улардан бири ўтказган тадқиқот натижаларига кўра, Ўзбекистон

"Дунёнинг энг бахтли мамлакатлари" рейтингиде 158 давлат орасида 44-ўринни, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари ўртасида эса биринчи ўринни эгаллагани маълум қилинган.

Шу билан бирга, АҚШдаги Гэллуп институти ижтимоий фикрни ўрганиш маркази томонидан "Қонуний тартибларга итоат қилиш индекси" мавзуида 2015 йилда ўтказилган тадқиқот натижаларига мувофиқ, мамлакатда яшаётган ҳар қайси одамнинг кайфиятига, унинг ўзини эркин ҳис этишига қонунда белгиланган тартибларга амал қилиш қандай таъсир кўрсатаётганини аниқлаш нуктаи назаридан Ўзбекистон 2-ўринни эгаллагани ҳам журналхонлар эътиборига ҳавола этилган.

Юқоридагилардан ташқари, "Diplomatic Focus" журнали Покистон Ислому Республикаси Бош вазири Мухаммад Навоз Шарифнинг 2015 йил ноябрь ойида Ўзбекистон Республикасига буюрган расмий ташрифининг якунларига бағишланган салмоқли мақолани ҳам chop этди. Унда ёзилишича, мамлакатимиз Президентини Ислому Каримов ва Покистон ҳукумати раҳбарининг учрашуви чоғида асосий эътибор икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорликнинг ҳозирги ҳолати ҳамда уни янада ривожлантириш истиқболлари масалаларига қаратилди.

«Жаҳон» АА.

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

32 хонадондан иборат 2 та тўрт қаватли замонавий, кўркам биноларда эндиликда мамлакатимиз ижтимоий ҳаётида фаол иштирок этаётган, фан, таълим, маданият ва спорт соҳаларида юқори натижаларга эришган ёшлар истикомат қилади.

Хонадонларда барча шароит яратилган. Хусусан, уларнинг илғор маиший техника воситалари билан жиҳозлангани уй соҳибларига қўшимча қулайлик туғдиради. Янги уй эгалари, уларнинг ота-оналари бундан беҳад мамнун эканликларини изҳор этишди.

Улардан бири Ўткир Улашовнинг касби — ўқитувчи. У 2010 йилда Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетини тамомлаб, айна пайтда мазкур таълим даргоҳи қошидаги академик лицейда ўқувчиларга сабоқ бераёпти.

— Ўқитувчилик — шарафли ва масъулятли касб, — дейди Ў. Улашов. — Буни чуқур ҳис қиламан. Ҳар бир ўқувчининг юртимиз келажагига юксак ҳисса қўшишдек орзу ва мақсадлари, интилишлари менга янада куч-қувват бағишлайди. Бизга кўрса-



тилаётган улкан эътибор ҳамда гамхўрлик учун Президентимиздан миннатдоримиз.

Бундай уйлارнинг ҳовлиси ҳам кўркамлигини айтиш жоиз. Жумладан, гўзал манзара, ажойиб муҳит гўё бутун

бир мамлакатимиздаги ёш оилалар турмуш тарзини яққол акс эттиргандек.

"Қамолот" ЁИҲ Тошкент шаҳар кенгашидан маълум қилишларича, ҳадемай Чилонзор ва Бектемир туманлари-

да ҳам худди шундай кўп қаватли уйлар фойдаланишга топширилади.

Омонулла ФАЙЗИЕВ,
«Халқ сўзи» муҳбири.

Ҳасан ПЛАЙДОВЕВ олган сурат.

Ютуқларимиз омили

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Кувонарлиси, бундай бекиёс ўзгариш ва янгиланишлар натижасида турмушимиз файзли бўлиб, эртанги кунга ишончимиз янада мустақамланмоқда. Бунда ишбилармонларнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Зеро, соҳа ривожи учун берилётган имтиёзлар, қабул қилинаётган Фармон ва қарорлар кўпلىк истиқболли лойиҳалар учун кенг йўл очаётир.

Фикримни фаолиятимиз мисолида давом эттирсам. Дастлаб ишимизни 2 нафар ходим билан, ўз маблағимиз ҳамда банкдан олинган 200 миллион сўмлик кредит эвазига ёғочга ишлов берувчи янги технологиялар сотиб олишдан бошлаган эдик. Кейинчалик фаолиятимизни кенгайтирдик. Ишчи-ходимларимиз сони эса 42 нафарга етди. Утган йили 40 дан зиёд турдаги 1 миллиард 500 мил-

лион сўмликка яқин замонавий мебеллар ишлаб чиқардик.

Инсон манфаати устувор бўлган, эмин-эркин ишлаш учун барча шарт-шароит муҳайё этилган, эзгу ташаббус ва гоаялар ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётган мамлакатимизда янги марралар сари дадил қадам ташлай-верамиз.

Ишончимиз комилки, юртимизни барқарор ривожлантиришга қаратилган изчил ислохотлар кўлами янада кенгайди, эришилаётган ютуқларимиз бундан-да зиёда бўлади. Зотан, халқимиз фаровонлигини таъминлаш, Ватанимизни обод қилиш амалга оширилаётган эзгу сазй-ҳаракатларнинг пировард мақсадирид.

Муроджон ВАИСОВ,
Урганч шаҳридаги
«Мегафера» масъуляти чекланган
жамияти бош директори,
«Дўстлик» ордени соҳиб.

ЎЗБЕКИСТОНДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН

Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида таъкидлаганидек, бугун биз юртимизда барпо этилаётган энг замонавий, улкан ва ноёб sanoat объектлари билан фахрланишга ҳақлимиз. Кувонарлиси, бундай ишлаб чиқариш субъектлари мамлакатимизнинг барча ҳудудиде муваффақиятли фаолият юритмоқда. Ўз навбатида, илғор технологиялар билан жиҳозланган янги-янги корхоналар ишга тушириляпти. Буларнинг барчаси тараққиётнинг дунёда тан олинган "ўзбек модели" асосида амалга оширилаётган изчил ислохотларнинг амалий самарасидир.



Инновацион технологиялар имконияти



...Сирдарёлик кексалар турли байрамлар арасида вилоятдаги ишлаб турган ва янги ташкил этилган корхоналар, шаҳару қишлоқлардаги яратувчилик ҳамда бунёдкорлик ишлари билан танишишни одат қилишган. Нурунийларнинг айтишича, бу ҳолат уларга хушайфият ва кўтаринки руҳ бағишлайди. Зеро,

истиклол йилларида барпо этилган юқори технологияли ишлаб чиқариш қувватлари вилоятнинг кечачи кунини яхши билган кишиларни чинакам ҳайратга солиши, табиий. Бинобарин, бир пайтлар, асосан, аграр соҳага ихтисослаштирилган воҳода бугунги кунда sanoat жадал ривожланмоқда. Чунончи, даставвал энгил sanoat йўналишида қатор замонавий корхоналар ташкил этилган бўлса, кейинги йилларда фармацевтика, мебелсозлик, чарм-поябзал каби худуд учун мутлақо янги бўлган тармоқларда истиқболли лойиҳалар рўёбга чиқарилди. Айниқса, Сирдарё туманида "Peng-sheng" кўшма корхоналар мажмуи фаолияти йўлга қўйилиши билан бу боладаги имкониятлар янада кенгайди. Аҳолининг импорт ўрнини босувчи маҳсулотларга бўлган эҳтиёжи таъминланиши

баробарида, вилоят экспорт салоҳияти ҳам оқсалди. "Жиззах" махсус индустриал зонасининг Сирдарё филиали ҳудудиде жойлашган мазкур мажмуа бир неча корхонани ўз ичига олган. Эътиборлиси, уларнинг барчаси экспортбоп маҳсулотлар тайёрлашга ихтисослаштирилган. Маҳаллийлаштириш дастури доирасида, Олмалик кон-металлургия комбинати, Хитойнинг "Wenzhou Jinsheng Trade Co.Ltd." компанияси ҳамда "Peng-sheng" Ўзбекистон — Хитой кўшма корхонаси ҳамкорлигида ташкил этилган "AWP" кўшма корхонаси бу ерда рўёбга чиқарилган энг сўнгги лойиҳадир. 7,5 миллион АҚШ долларини миқдоридеги инвестиция ҳисобига қурилиб, 2014 йилнинг охирида фаолият бошлаган мазкур sanoat объекти юқори сифатли ва ноёб сантехника жиҳозлари ишлаб чиқариши жиҳатидан ҳозирча мамлакатимизда ягона ҳисобланади. Яъни бу ерда маҳсулотлар одатдагидан фарқли равишда, мис ва рух металлари қоришмаси — латундан тайёрланади. Мутахассислар фикрича, ушбу хом ашё сантехника воситаларининг экологик талаб-

ларга тўла жавоб беришини таъминлаши билан бирга, узоқ вақт яроқчилигини кафолатлайди. Муҳими, латун шу ернинг ўзида тайёрланапти. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, корхонада тайёр маҳсулот таркибида маҳаллий хом ашё улуши 52 фоизни ташкил қилмоқда. — Фаолиятимизга инновацион янгиликларни татбиқ этиш пайдан бўляпти, — дейди кўшма корхона бош директори Комилжон Мирзаев. — Масалан, даромадимизнинг 3 фоизини замонавий дизайндаги сантехника жиҳозлари ва аксессуарлари яратишга йўналтирялган. Бунинг учун жаҳон талабларига мос ишланмаларимиз ҳамда ўз синов марказимиз бор. Илганишларимиз натижасида маҳсулотларимизга бўлган талаб тобора ортти бормоқда. Ҳозир хориждан ҳам кўпلىк буюртмалар олаёпти.

Яна бир диққатга молик далил: корхона маҳсулотлари хорижда ишлаб чиқарилган турдошларга нисбатан икки баробар арзон нархларда мамлакатимизнинг барча худудига етказиб берилаётир. Натижада ички бозор импорт ўринини босувчи ўзимизнинг замонавий сантехника

воситалари билан тўлмоқда. Айни чоғда корхонада жўмрак, қувурларни улочви, сув ва газ таксимотини таъминловчи жиҳозларни янада сифатли қилиб тайёрлаш борасидаги изланишлар давом этириляпти. Эътиборлиси, бугунги кунда худуддаги бошқа кўшма корхоналарда ҳам шундай муваффақиятларга эришилаётир. Жумладан, хитойлик ишбилармонлар ҳамкорлигида тайёрланаётган мобил телефон аппаратлари ва смартфонлар юқори сифати, кўркам дизайн ҳамда илғор дастурий тизими билан миҳозларга манзур бўлмоқда. Бундан ташқари, янги лойиҳалар устида ҳам иш олиб бориляпти. Шулардан бири гламур ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга қаратилган. У амалга оширилган, мажмуада тайёрланаётган қурилиш материаллари — кафелларга товланувчи жило бериши имконияти яратилади.

Мухтасар айтганда, бугун дунёда давом этаётган глобал молиявий инкирознинг салбий таъсирларига қарамай, юртимизда, жумладан, Сирдарё вилоятида иқтисодиёт ҳамда унинг етакчи тармоқларида барқарор ўсиш сурьатлари қузатилаётгани фахрланишга арзийди. Бу муस्ताқиллик йилларида узокни кўзлаб олиб борилаётган ислохотлар, фаол ва аниқ йўналтирилган инвестиция сиёсатининг мевасидир.

Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ,
«Халқ сўзи» муҳбири.
Муаллиф олган суратлар.

Қисқа

сатрларда

● Навоий давлат педагогика институтида "Менинг ўлим — Ватан ҳимоячиси" мавзуида видеоконференция бўлиб ўтди. "Таянчим ва суянчим, фахру ифтихоримсан, муқаддас Ватан!" шiori остида ўтказилган

мазкур тадбирда Тошкент вилоятидаги ҳарбий қисмларда хизмат қилаётган навоийлик, Навоий вилоятида шаарафли бурчини адо этаётган Тошкент вилоятилик аскарлар ҳамда уларнинг ота-оналари иштирок этди.

● Ватан ҳимоячилари кунини муносабати билан Тошкент давлат шарқшунослик институти ўқитувчи ва талабалари Тошкент олий умумқўшин кўмондонлик билим юртига ташриф буюришди. Тадбир қатнашчилари бу ерда курсантлар учун яратилган шарт-шароитлар билан яқиндан танишдилар.

● Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармаси ташаббуси билан соғломлаштириш ҳафталиги ўтказилди. Унинг доирасида аҳоли орасида соғлом турмуш тарзи,

эрта турмуш ва яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳ, болалар касалликларининг олдини олиш, рационал овқатланиш каби мавзуларда мулоқотлар ташкил қилинди.

● Самарқандда қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш соҳасида амалга оширилаётган ишларга бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

● "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши томонидан анъанавий ўтказилаётган "Қамолот" стипендияси тан-

лови гоилибларининг номи аниқланди. Жорий йилда мазкур танловда 311 нафар талаба қатнашиб, улардан 75 нафари совриндор бўлди.

«Халқ сўзи» муҳбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

Биринчи харидор хориждан

Бўстонлик туманида қад ростлаган энгил sanoat йўналишидаги "Бўстонлик-пластик" кўшма корхонаси хали илк маҳсулотини чиқариб улургани йўқ. Бироқ бу ерда тайёрланадиган тўқимачилик ашёларига хориждан буюртма тушяпти.

ИНТИЛИШ

— Корхонамизга ўрнатилган барча ускуна чет элнинг машхур фирма ва компанияларидан олиб келинган, — дейди жамоа бош муҳандиси Алишер Тиллабоев. — Улар ёрдамида жаҳон андозаларига мос келадиган 7 турдаги кава ип ишлаб чиқарамиз. Экспорт юзасидан шартномаларимиз тайёр. Уларга кўра, маҳсулотларимизни, асосан, Германия ва Хитой давлатларига сотамиз.

Корхона ҳадемай тўла қувват билан ишлаб бошлайди. Бу бўстонликлик 600 дан орттиқ чеварларнинг бандлиги таъминланади, деганидир.

Файрат ШЕРАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» муҳбири.

XALQ BANKI Ўзбекистон Республикаси Акциядорлик тижорат Халқ банкининг

«Ютукли даромад» жамғарма-ютуқли омонати бўйича 2015 йил 25 декабрда Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳрида ўтказилган ютуқлар тиражининг **РАСМИЙ ҲАДВАЛИ**

Т/р	Худудий филиал	МФО	Туман (шаҳар) филиали	Касса коди	Банк муассасаси	Хисобварақ рақами	Ютуқ суммаси
1	Қорақалпоғистон Республикаси	00633	Тўрткўл филиали	07032	1-сонли жамғарма касса	ЮДД-1	176 000 сўм пул ютуғи
2	Қорақалпоғистон Республикаси	00634	Амударё филиали	08023	1-сонли жамғарма касса	ЮДД-3	440 000 сўм пул ютуғи
3	Қорақалпоғистон Республикаси	00636	Беруний филиали	0A024	1-сонли жамғарма касса	ЮДД-1	186 000 сўм пул ютуғи
4	Қорақалпоғистон Республикаси	00638	Амалиёт филиали	0C017	1-сонли жамғарма касса	ЮДД-8	186 000 сўм пул ютуғи
5	Қорақалпоғистон Республикаси	00639	Кўнғирот филиали	0D020	1-сонли жамғарма касса	ЮДД-1	186 000 сўм пул ютуғи
6	Қорақалпоғистон Республикаси	00641	Тахтакўпир филиали	0F016	1-сонли жамғарма касса	ЮДД-9	200 000 сўм пул ютуғи
7	Қорақалпоғистон Республикаси	00642	Шуманай филиали	10019	1-сонли жамғарма касса	ЮДД-12	176 000 сўм пул ютуғи
8	Қорақалпоғистон Республикаси	00644	Қонлиқўл филиали	12012	1-сонли жамғарма касса	ЮДД-2	160 000 сўм пул ютуғи
9	Қорақалпоғистон Республикаси	00646	Элликқалъа филиали	14017	1-сонли жамғарма касса	ЮДД-3	186 000 сўм пул ютуғи
10	Қорақалпоғистон Республикаси	00646	Элликқалъа филиали	14017	1-сонли жамғарма касса	ЮДД-4	160 000 сўм пул ютуғи
11	Андижон вилояти	00654	Избоскан филиали	1C019	1-сонли жамғарма касса	ЮДД-2	269 000 сўм пул ютуғи
12	Бухоро вилояти	00118	Файзулла Хўжаев филиали	03035	1-сонли жамғарма касса	ЮДД-2	160 000 сўм пул ютуғи
13	Бухоро вилояти	00670	Шофиркон филиали	2C013	1-сонли жамғарма касса	ЮДД-1	160 000 сўм пул ютуғи
14	Бухоро вилояти	00673	Олот филиали	2F013	1-сонли жамғарма касса	ЮДД-12	176 000 сўм пул ютуғи
15	Жиззах вилояти	00676	Амалиёт филиали	32023	1-сонли жамғарма касса	ЮДД-17	186 000 сўм пул ютуғи
16	Жиззах вилояти	00676	Амалиёт филиали	32023	1-сонли жамғарма касса	ЮДД-2	160 000 сўм пул ютуғи
17	Жиззах вилояти	00676	Амалиёт филиали	32023	1-сонли жамғарма касса	ЮДД-29	269 000 сўм пул ютуғи
18	Жиззах вилояти	00676	Амалиёт филиали	32023	1-сонли жамғарма касса	ЮДД-6	176 000 сўм пул ютуғи
19	Жиззах вилояти	00684	Учтепа филиали	3A035	1-сонли жамғарма касса	ЮДД-1	176 000 сўм пул ютуғи
20	Қашқадарё вилояти	00693	Деҳқонобод филиали	43024	1-сонли жамғарма касса	ЮДД-1	220 000 сўм пул ютуғи
21	Қашқадарё вилояти	00694	Китоб филиали	44035	1-сонли жамғарма касса	ЮДД-4	243 000 сўм пул ютуғи
22	Наманган вилояти	00713	Мингбулоқ филиали	57017	1-сонли жамғарма касса	ЮДД-6	220 000 сўм пул ютуғи
23	Наманган вилояти	00713	Мингбулоқ филиали	57017	1-сонли жамғарма касса	ЮДД-7	269 000 сўм пул ютуғи
24	Наманган вилояти	00714	Поп филиали	58028	1-сонли жамғарма касса	ЮДД-5	176 000 сўм пул ютуғи
25	Наманган вилояти	00720	Тошбулоқ филиали	5E019	1-сонли жамғарма касса	ЮДД-4	220 000 сўм пул ютуғи
26	Наманган вилояти	00722	Норин филиали	60016	1-сонли жамғарма касса	ЮДД-6	220 000 сўм пул ютуғи
27	Самарқанд вилояти	00726	Пайриқ филиали	64011	1-сонли жамғарма касса	ЮДД-2	160 000 сўм пул ютуғи
28	Самарқанд вилояти	00730	Ургут филиали	68041	1-сонли жамғарма касса	ЮДД-3	220 000 сўм пул ютуғи
29	Самарқанд вилояти	00735	Иштихон филиали	6D038	1-сонли жамғарма касса	ЮДД-9	160 000 сўм пул ютуғи
30	Самарқанд вилояти	00742	Тайлоқ филиали	74015	1-сонли жамғарма касса	ЮДД-10	243 000 сўм пул ютуғи
31	Самарқанд вилояти	00742	Тайлоқ филиали	74015	1-сонли жамғарма касса	ЮДД-11	385 000 сўм пул ютуғи
32	Сирдарё вилояти	00759	Амалиёт филиали	85010	1-сонли жамғарма касса	ЮДД-6	269 000 сўм пул ютуғи
33	Сирдарё вилояти	00759	Амалиёт филиали	85010	1-сонли жамғарма касса	ЮДД-7	200 000 сўм пул ютуғи
34	Сирдарё вилояти	00761	Янгиер филиали	87008	1-сонли жамғарма касса	ЮДД-9	385 000 сўм пул ютуғи
35	Тошкент шаҳри	00820	Миробод филиали	C2015	14-сонли жамғарма касса	ЮДД-14	160 000 сўм пул ютуғи
36	Тошкент шаҳри	00820	Миробод филиали	C2015	14-сонли жамғарма касса	ЮДД-20	160 000 сўм пул ютуғи
37	Тошкент шаҳри	00820	Миробод филиали	C2015	14-сонли жамғарма касса	ЮДД-21	269 000 сўм пул ютуғи
38	Тошкент шаҳри	00820	Миробод филиали	C2018	1-сонли жамғарма касса	ЮДД-12	160 000 сўм пул ютуғи
39	Тошкент шаҳри	00820	Миробод филиали	C2018	1-сонли жамғарма касса	ЮДД-3	243 000 сўм пул ютуғи
40	Тошкент шаҳри	00820	Миробод филиали	C2018	1-сонли жамғарма касса	ЮДД-9	200 000 сўм пул ютуғи
41	Тошкент шаҳри	00821	Шайхонтоҳур филиали	C3006	1-сонли жамғарма касса	ЮДД-10	186 000 сўм пул ютуғи
42	Тошкент шаҳри	00821	Шайхонтоҳур филиали	C3006	1-сонли жамғарма касса	ЮДД-27	176 000 сўм пул ютуғи
43	Тошкент шаҳри	00821	Шайхонтоҳур филиали	C3006	1-сонли жамғарма касса	ЮДД-31	200 000 сўм пул ютуғи
44	Тошкент шаҳри	00821	Шайхонтоҳур филиали	C3006	1-сонли жамғарма касса	ЮДД-35	160 000 сўм пул ютуғи
45	Тошкент шаҳри	00821	Шайхонтоҳур филиали	C3006	1-сонли жамғарма касса	ЮДД-44	243 000 сўм пул ютуғи
46	Тошкент шаҳри	00821	Шайхонтоҳур филиали	C3006	1-сонли жамғарма касса	ЮДД-5	186 000 сўм пул ютуғи
47	Тошкент шаҳри	00821	Шайхонтоҳур филиали	C3006	1-сонли жамғарма касса	ЮДД-57	176 000 сўм пул ютуғи
48	Тошкент шаҳри	00821	Шайхонтоҳур филиали	C3006	1-сонли жамғарма касса	ЮДД-60	220 000 сўм пул ютуғи
49	Тошкент шаҳри	00821	Шайхонтоҳур филиали	C3006	1-сонли жамғарма касса	ЮДД-65	385 000 сўм пул ютуғи
50	Тошкент шаҳри	00823	Юнусобод филиали	C5013	1-сонли жамғарма касса	ЮДД-10	160 000 сўм пул ютуғи
51	Тошкент шаҳри	00823	Юнусобод филиали	C5013	1-сонли жамғарма касса	ЮДД-18	186 000 сўм пул ютуғи
52	Тошкент шаҳри	00827	Яшнобод филиали	C9021	1-сонли жамғарма касса	ЮДД-6	200 000 сўм пул ютуғи
53	Тошкент шаҳри	00829	Учтепа филиали	CB020	1-сонли жамғарма касса	ЮДД-12	186 000 сўм пул ютуғи
54	Тошкент шаҳри	00829	Учтепа филиали	CB020	1-сонли жамғарма касса	ЮДД-2	269 000 сўм пул ютуғи
55	Тошкент шаҳри	00829	Учтепа филиали	CB020	1-сонли жамғарма касса	ЮДД-9	200 000 сўм пул ютуғи
56	Тошкент вилояти	00770	Бўстонлик филиали	90028	1-сонли жамғарма касса	ЮДД-10	160 000 сўм пул ютуғи
57	Тошкент вилояти	00770	Бўстонлик филиали	90028	1-сонли жамғарма касса	ЮДД-23	200 000 сўм пул ютуғи
58	Тошкент вилояти	00770	Бўстонлик филиали	90028	1-сонли жамғарма касса	ЮДД-27	200 000 сўм пул ютуғи
59	Тошкент вилояти	00770	Бўстонлик филиали	90028	1-сонли жамғарма касса	ЮДД-37	220 000 сўм пул ютуғи
60	Тошкент вилояти	00770	Бўстонлик филиали	90028	1-сонли жамғарма касса	ЮДД-42	200 000 сўм пул ютуғи
61	Тошкент вилояти	00770	Бўстонлик филиали	90028	1-сонли жамғарма касса	ЮДД-54	160 000 сўм пул ютуғи
62	Тошкент вилояти	00770	Бўстонлик филиали	90028	1-сонли жамғарма касса	ЮДД-6	160 000 сўм пул ютуғи
63	Тошкент вилояти	00770	Бўстонлик филиали	90028	1-сонли жамғарма касса	ЮДД-74	176 000 сўм пул ютуғи
64	Тошкент вилояти	00770	Бўстонлик филиали	90028	1-сонли жамғарма касса	ЮДД-77	176 000 сўм пул ютуғи
65	Тошкент вилояти	00770	Бўстонлик филиали	90028	1-сонли жамғарма касса	ЮДД-86	176 000 сўм пул ютуғи
66	Тошкент вилояти	00771	Ўқори Чирчиқ филиали	91020	1-сонли жамғарма касса	ЮДД-1	176 000 сўм пул ютуғи
67	Тошкент вилояти	00773	Дўстобод филиали	93019	1-сонли жамғарма касса	ЮДД-4	186 000 сўм пул ютуғи
68	Тошкент вилояти	00776	Кибрай филиали	96037	1-сонли жамғарма касса	ЮДД-2	440 000 сўм пул ютуғи
69	Тошкент вилояти	00777	Янгийўл филиали	97035	1-сонли жамғарма касса	ЮДД-2	200 000 сўм пул ютуғи
70	Тошкент вилояти	00777	Янгийўл филиали	97035	1-сонли жамғарма касса	ЮДД-3	243 000 сўм пул ютуғи
71	Тошкент вилояти	00778	Зангиота филиали	98064	1-сонли жамғарма касса	ЮДД-10	269 000 сўм пул ютуғи
72	Тошкент вилояти	00778	Зангиота филиали	98064	1-сонли жамғарма касса	ЮДД-12	160 000 сўм пул ютуғи
73	Тошкент вилояти	00778	Зангиота филиали	98064	1-сонли жамғарма касса	ЮДД-4	243 000 сўм пул ютуғи
74	Тошкент вилояти	00778	Зангиота филиали	98064	1-сонли жамғарма касса	ЮДД-6	385 000 сўм пул ютуғи
75	Тошкент вилояти	00778	Зангиота филиали	98064	1-сонли жамғарма касса	ЮДД-9	160 000 сўм пул ютуғи
76	Тошкент вилояти	00779	Оққўрғон филиали	99017	1-сонли жамғарма касса	ЮДД-1	160 000 сўм пул ютуғи
77	Тошкент вилояти	00781	Чирчиқ филиали	9B033	1-сонли жамғарма касса	ЮДД-36	186 000 сўм пул ютуғи
78	Тошкент вилояти	00783	Бекобод филиали	9D009	1-сонли жамғарма касса	ЮДД-2	269 000 сўм пул ютуғи
79	Тошкент вилояти	00783	Бекобод филиали	9D009	1-сонли жамғарма касса	ЮДД-3	186 000 сўм пул ютуғи
80	Тошкент вилояти	00784	Ангрен филиали	9E018	1-сонли жамғарма касса	ЮДД-2	220 000 сўм пул ютуғи
81	Тошкент вилояти	00785	Олмалик филиали	9F012	1-сонли жамғарма касса	ЮДД-7	186 000 сўм пул ютуғи
82	Тошкент вилояти	00787	Зафар филиали	A1019	1-сонли жамғарма касса	ЮДД-2	160 000 сўм пул ютуғи
83	Тошкент вилояти	00883	Амалиёт бўлими	CF003	1-сонли жамғарма касса	ЮДД-2	200 000 сўм пул ютуғи
84	Тошкент вилояти	00883	Амалиёт бўлими	CF003	1-сонли жамғарма касса	ЮДД-28	160 000 сўм пул ютуғи
85	Тошкент вилояти	00883	Амалиёт бўлими	CF003	1-сонли жамғарма касса	ЮДД-34	243 000 сўм пул ютуғи
86	Тошкент вилояти	00883	Амалиёт бўлими	CF003	1-сонли жамғарма касса	ЮДД-37	243 000 сўм пул ютуғи
87	Тошкент вилояти	00883	Амалиёт бўлими	CF003	1-сонли жамғарма касса	ЮДД-45	176 000 сўм пул ютуғи
88	Тошкент вилояти	00883	Амалиёт бўлими	CF003	1-сонли жамғарма касса	ЮДД-46	220 000 сўм пул ютуғи
89	Тошкент вилояти	00883	Амалиёт бўлими	CF003	1-сонли жамғарма касса	ЮДД-49	160 000 сўм пул ютуғи
90	Тошкент вилояти	00883	Амалиёт бўлими	CF003	1-сонли жамғарма касса	ЮДД-54	220 000 сўм пул ютуғи
91	Тошкент вилояти	00883	Амалиёт бўлими	CF003	1-сонли жамғарма касса	ЮДД-55	176 000 сўм пул ютуғи
92	Тошкент вилояти	00883	Амалиёт бўлими	CF003	1-сонли жамғарма касса	ЮДД-56	160 000 сўм пул ютуғи
93	Хоразм вилояти	00810	Шовот филиали	B8017	1-сонли жамғарма касса	ЮДД-1	160 000 сўм пул ютуғи
94	Хоразм вилояти	00811	Хива филиали	B9023	1-сонли жамғарма касса	ЮДД-1	176 000 сўм пул ютуғи
95	Хоразм вилояти	00811	Хива филиали	B9023	1-сонли жамғарма касса	ЮДД-7	243 000 сўм пул ютуғи
96	Хоразм вилояти	00814	Янгиариқ филиали	BC013	1-сонли жамғарма касса	ЮДД-13	160 000 сўм пул ютуғи
97	Хоразм вилояти	00814	Янгиариқ филиали	BC013	1-сонли жамғарма касса	ЮДД-21	160 000 сўм пул ютуғи
98	Хоразм вилояти	00814	Янгиариқ филиали	BC013	1-сонли жамғарма касса	ЮДД-4	243 000 сўм пул ютуғи
99	Хоразм вилояти	00814	Янгиариқ филиали	BC013	1-сонли жамғарма касса	ЮДД-7	1 100 000 сўм пул ютуғи
100	Хоразм вилояти	00816	Боғот филиали	BE018	1-сонли жамғарма касса	ЮДД-1	440 000 сўм пул ютуғи

Изоҳ: омонатларга чиққан ютуқлар омонатчилар томонидан кўйилган омонатлар 3 ой муддат тўлиқ сақлангандан кейин, омонатни ёпиш вақтида тўлаб берилди. Муддатидан олдин ёпилган омонатларга ютуқлар тўланмайди.

Ҳайбат раиси **М. Юсупов** — Чирчиқ шаҳар ҳоқими ўринбосари
Масъул котиб **А. Мехмонов** — Халқ банки бошқаруви жамғарма операциялар ва минибанклар департаменти бўлим бошлиғи

«NEW TRANS ALLIANCE» МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибидега ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади.

2016 йил 10 февраль куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига Оққўрғон тумани СИБ томонидан кўйилмоқда:

1. 2015 йил 29 октябрдаги 1-199-2015-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2010 йилда ишлаб чиқарилган, «Lacetti» русумли, давлат рақами 10 W 102 GA.

Бошланғич баҳоси — 37 000 000 сўм.

2. 2015 йил 29 октябрдаги 1-199-2015-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2011 йилда ишлаб чиқарилган, «ГБА СПГ Nexia ДОНС 1,6» русумли, давлат рақами 10 L 404 GA.

Бошланғич баҳоси — 31 000 000 сўм.

3. 2015 йил 29 октябрдаги 1-199-2015-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2009 йилда ишлаб чиқарилган, «ГБА СПГ Nexia ДОНС 1,6» русумли, давлат рақами 10 F 868 EA.

Бошланғич баҳоси — 29 000 000 сўм.

2016 йил 27 январь куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига Қибрай тумани СИБ томонидан кўйилмоқда:

1. 2015 йил 2 февралдаги 2454-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2005 йилда ишлаб чиқарилган, «Daewoo-Kalos» русумли, давлат рақами 11 S 2489.

Бошланғич баҳоси — 21 637 062 сўм.

2. 2013 йил 20 июндаги 11223-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1989 йилда ишлаб чиқарилган, «КамАЗ-5320» русумли, давлат рақами N 088 NUM.

Бошланғич баҳоси — 11 352 856 сўм.

3. 2015 йил 13 январьдаги 1324-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2008 йилда ишлаб чиқарилган, «Epic» русумли, давлат рақами 01 P 405 VA.

</

ЮКСАК САЛОҲИЯТЛИ КАДРЛАР

мамлакатимиз мудофаа қудратини оширишда муҳим ўрин тутати



(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

Таълим муассасасида электрон кутубхона, "Радиоэлектроника", "Радиоҳаваскорлар", "Ёш дастурчилар", "Авиамоделлар", "Телестудия" каби бир қанча тўғараклар фаолият кўрсатаётди. Спорт мажмуасидаги шароитлар

ҳам диққатга сазовор. Тураржой биносидаги хоналар эса шинам ва ёруғ.

— Болалагимдан ҳарбий бўлишни орзу қилардим, — дейди курсант Мақсуд Расулов. — Бугун мана шундай нуфузли таълим даргоҳида таҳсил олаётганимдан фахрланаман. Бу

ерда назарий ва амалий жиҳатдан билимларимизни мустаҳкамлаш учун имкониятлар етарли. Ўзим китоб мутлоасига жуда қизиқаман. Дарслардан бўш вақтимда ижтимоий-сиёсий, илмий ҳамда бадиий адабиётларни кунт билан ўқиб бораёяман. Фурсатдан фойда-

ланиб, айтмоқчиманки, бизга оталарча ғамўрлик кўрсатиб, ҳамма шароитларни яратиб бераётган Президентимиздан миннатдоримиз. Бу эътиборга жавобан ҳарбийлик касби сирасорларини чуқур эгаллаб, келгусида Ватанимиз тинчлиги йўлида бор салоҳиятимизни ишга соламиз.

Биз қайси курсант билан суҳбатлашмайлик, улардан ана шундай самимий фикрларни эшитдик. Дарвоқе, ушбу таълим масканида таҳсил олиб, юрт осойишталигини таъминлашга ҳисса қўшаётганлар сафида маҳорат, матонат ва жасоратда алоҳида намуна кўрсатаётган, Ватанимизнинг юксак муқофотларига сазовор бўлган кадрлар ҳам кўпчилики ташкил қилади. Улар изидан бораётган бўлажак офицер-командирлар — курсантлар ҳам билим юртини шонли аънасини муносиб давом эттиришга интилишмоқда.

Яна бир жиҳат, ушбу факультет курсантлари Куролли Кучлар тизимидаги олий ҳарбий таълим муассасалари ўртасида ўтказиладиган аънавий кўриктанловлар, спорт мусобақаларида доимо фаол қатнашиб келишади.

Ана шундай фаол ёшлардан бири курсант Умид Султоновдир. У мактаб давридаёқ ҳар-

бий либос кийиб, юрт посбони бўлишни дилига туккан. Шу мақсадда астойдил ўқиган. Дарсларни пухта ўзлаштириш баробарида, спорт билан мунтазам шуғулланган. Бу жиҳатлар олий ҳарбий таълим жараёнида ҳам асқатди. Умид "Ҳарбий спортчи", "Жанговар тайёргарлик аълочиси", "Маънавий-маърифий тайёргарлик аълочиси" каби кўрак нишонлари билан тақдирланди.

— Бу ерда билимимни, маҳоратимни янада оширдим, маънан етук, жисмонан бақувват инсон жамиятда ўзининг муносиб ўрнини топа олишига қомил ишонч ҳосил қилдим, — дейди у. — Ғамўрликка муносиб бўлиш, она-Ватанимизнинг армиясига сафида хизмат қилиш ҳар биримизнинг бурчимиздир.

Мухтасар айтганда, Тошкент ахборот технологиялари университети асл мардларни тарбияладиган нуфузли таълим даргоҳидир. Ўғлонларимиз бу ерда тобланиб, мустаҳкам ирода, улкан саботга эга бўлишлари ва ўз касбининг етуқ мутахассиси сифатида шаклланишлари турган гап.

Санджон МАХСУМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

ЭЪЗОЗ

Муталлим ота яқин вақтгача йигитлик чоғида ўзи тиклаган уйда яшаб келарди. Набиралари унга атаб қуриб берган янги хонадонга кўчиб кирач, кўзларидан қувонч ёшлари қалқди. Сабаби, бу иморат ниҳоятда шинам, кенг ва ёруғ, ёнида мўъжазгина ювиниш хонаси, қисқаси, нимани истасанг, барчаси муҳайё эди.

УМР ЗИЙНАТИ

Ҳамқишлоқлари узок йиллар давомида сув ҳўжалигида меҳнат қилган отахоннинг исмига "мироб" сўзини қўшиб айтишади. Бундан у ўзгача гурур туяди. Шимолий Фарғона каналининг участка раҳбари сифатида экин майдонлари ва томорқаларга обихаёт келтириш йўлида елиб-югурганлари исзис кетмаганини мануният ила эслайди.

— Фарзандларимиз — олти қизимни яхши хонадонларга узатдик, — дейди отахон. — Куёларим жуда меҳрибон: кунда-кунора хабар олиб туришади, оғиримизни энгил қилишга интилишади. Бир этак неварам бор, яқинда чевара ҳам кўрдик. Инсон қадрни баланд, хусусан, кексаларга алоҳида эъзоз кўрсатиладиган шундай юртда яшаётганимдан бахтиёрман.

Дарҳақиқат, Тўрақўрғон туманидаги Сарой маҳалласи ахли бу йил ўзининг саксон бешинчи баҳорини қарши олган Муталлим Ҳамроқулловни табаррук инсонлардан бири сифатида

ҳурмат қилади. Тўю маросимларда алоҳида иззат-икром кўрсатади.

Яқинда ёшлигида бирга ишлаб, оғаниндай бўлиб қолган ҳамкасби Садриддин ақанининг ўғли Баҳром келгани, айниқса, отахоннинг хотирасида муҳрланган қолди.

— Сиз билан дийдорлашсам, биласизми, ўз отамни кўргандай бўламан, — дея иккита нон орасига солинган иссиқ кабоқларни узатди у.

Муталлим ота эндигина меҳмонни кузатаман деб турганда, невараси Раҳматилланинг оппоқина "Spark"и дарвоза олдига келиб тўхтади. Билдикки, у одатдагидай бобосини қадрдон Шимолий Фарғона канали соҳилларига олиб бориб, сайр қилдиришди. Ўзига бўлган бекиёз эътибор, ардоқдан кўнгли тоғдай ўсган қария кўча кийимларини апил-тапил кийди-да, хотиржам ҳолда ўзбегим машинасининг юмшоқ ўриндигига ўтирди...

Қудратилла НАҲМИДДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ҚУЛАЙЛИК

Гулистон шаҳар ҳокимлиги ҳузурда фаолият бошлаган "Бир дарча" марказида интернет орқали онлайн тизимида ахборот алмашиш йўлга қўйилди. Натижада юридик ва жисмоний шахсларга қулай тарзда, қисқа муддатда давлат хизматлари кўрсатиш имконияти юзга келди.

Онлайн тартибда амалга ошади

Гап шундаки, мазкур муассаса томонидан мурожаат қилувчи зарур бўлган ҳужжат бўйича тегишли ташкилотларга интернет воситасида сўров юборилади. Марказнинг электрон манзилига келиб тушган маълумот эса тадбиркорлик субъекти ёки фуқарога тақдим этилади.

— Ўн олти йўналишда давлат хизматлари кўрсатаямиз, — дейди "Бир дарча" маркази раҳбари Баҳодир Ибодуллоев. — Яъни мурожаат қилувчилар, хусусан, тадбиркорлик фаолиятини бошламоқчи бўлганлар муассасамизнинг ўзидан барча



керакли ҳужжатга эга бўлади.

Айни пайтда марказда 10 нафар малакали мутахассис фаолият юритмоқда. Бундай муассасалар виллоятнинг бошқа туман ва шаҳарларида ҳам ташкил этилди.

Ш. НАЗАРОВ.

Маданият хабарлари

Табаррук қадамжоларга саёҳат

"Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди томонидан "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамияти ҳамда Халқ таълими вазирлиги билан ҳамкорликда пойтахтимиздаги 22 ва 23-сонли Меҳрибонлик уйларидаги 50 нафар тарбияланувчиси учун қадимий ҳамда ҳамшиша навқирон Самарқанд шаҳрига саёҳат уюштирилди.

Сафар давомида ёшлар Регистон майдони, Самарқанд тарихий музейи, Гури Амир макбараси ва бошқа тарихий обидалар билан яқиндан танишдилар.

— Ушбу саёҳат болажонларнинг киши таътил кунларида ташкил этилганлиги айни муддао бўлди, — дейди 22-Меҳрибонлик уйи тарбиячиси Х. Султонова. — Улар афсонавий шаҳарни мароқ билан томоша қилиб, ҳаётни алломаларимиз хаёти ҳамда фаолияти, муқаддас қадамжолар тарихи билан танишдилар.

Аббос ЭРҒАШЕВ.

Ранглар олами

Навоий шаҳридаги Ёшлар марказида "Кувонч ранглари" деб номланган тасвирий ва амалий санъат кўргазмаси бўлиб ўтди.

Ёш ижодкорларнинг бетақдор табиатимиз ҳамда миллий қадриятларимиз, тарихий обидалар, турли соҳаларда меҳнат қилаётган фидойи юртдошларимиз сиймоси акс эттирилган ишлари санъат ихлоسمандларида катта қизиқиш уйғотди.

Иктидорларни аниқлаш, қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш мақсадига қаратилган ушбу тадбир "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ва бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказилди.

Моҳира АДИЗОВА.

ИБРАТ

Когон туманидаги "Баҳоуддин Нақшбанд" қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли 13 та маҳалладан бири Пўлотчи деб аталади. Бу ердаги ахил, тинч-тотув яшаётган, ўрнак қилиб кўрсатса арзиғулик оилалар ҳақида гап кетса, даставвал Тўрақулловлар хонадони тилга олинади. Уй соҳиби, 78 ёшли Ҳўжакул ота — дилкаш инсон. У билан суҳбатлашсангиз, оила, ота-она бурчи, фарзанд тарбияси каби масалаларда кўп ибратли сўзларни эшитасиз.

Муқаддас қўрғон

— Баъзан болалигимиз кечган йилларни эслаб, бугунги кунларга етказганга шукр қиламан, — дейди отахон. — Ингаларили ишлариди, меҳнатимиз роҳатини кўрмасдик. Ҳозирги дорилламон замони қаранг. Бозорларимиз файзу баракали, дўконларда йўқ нарсанинг ўзи йўқ. Қишлоқлардаги уй-жойларни кўриб, ҳавасингиз келади. Сизга айтсам, Пўлотчидаги 123 хонадоннинг етмиш фоизида энгил автомашина бор. Мана, бу кўриб турганингиз, "Нексия" билан "Спарк" — фарзандларимизки. Муроджон ўғлим коллежда ўқиган, ҳозир нефть-газ соҳасида ишламоқда. Алимардон эса тадбиркор. Барака топишсин. Иккаласи ҳам оилапарвар. Рўзгорим деб елиб-югуришади. Оилани қадрлашади. Уч қизим уйлужойли, борган жойининг тошу посангисини билиб, хонадон катталарига меҳр бериб, қайнона-қайнотасининг дусоини оляапти. Келинларимизни ҳам фарзандларимиздек яхши кўраемиз. Билсангиз, қиз бола нозик ниҳондай гап. Ўзи келин бўлиб келган уй шартшароитига мослашиши учун қайнота-қайнона ундан

ширин сўзини, ёрдамини аямаслиги керак. Ёшлар тарбиясига, уларни мустақил ҳаётга тайёрлашдаги ана шундай ёндашув Тўрақулловлар хонадон оёрубига оёру қўшмоқ-

учрашувлар ўтказганимизда, ибратли оилаларни барчага ўрнак қилиб кўрсатамиз, — дейди қишлоқ фуқаролар йиғини масъул котиби Исро Остонов. — Йиғинимизни худудида ўтган

Дарҳақиқат, давлатимиз ёшларни ҳар томонлама соғлом вояга етказиш, йигит-қизларнинг ҳуқуқий маданияти, оила ва жамият олдидаги масъулиятини ошириш масалаларига катта эътибор қаратмоқда. Ўз навбатида, ёш оилалар моддий ва маъ-

ёрлаш, улар онгига никоҳ, оила деган муқаддас тушунчаларни сингдириш борасидаги имкониятлар кенгайтириш бунинг амалий тасдиғидир. Зеро, орамизда қизини эрта турмушга узатиш, ўғлини барвақт уйлантириб қўйиш пайида бўлган кишилар ҳам учраб тургани бор гап. Ваҳошонки, бундай инсонлар, энг аввало, "Фарзандим мустақил турмушга тайёрми?" деб ўзларига савол бериб, иш туттишлари жоиз эмасми?!

— Оила қуришга ҳар томонлама тайёр бўлмаётган турмушдан ўтишининг салбий оқибатлари ҳақида жуда кўп сўзлаш мумкин, — дейди Бухородаги "Ойдин нури" оилани ижтимоий ҳимоя қилиш маркази раҳбари Мавлуда Салихова. — Чунки бундай ёшлар, одатда, ҳаётда учраб турадиган қийинчиликларни энгил ўтишга ўзларидан куч топа олмай қоладилар. Рўҳий тушунлик ҳолатлари бўлиши мумкин. Биз виллоят хотин-қизлар кўмитаси, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди каби бир қатор манфаатдор ташкилотлар билан ҳамкорликда ўтказиладиган тадбирларимизда аҳолига шунини тушунтиришга интиляямиз. Токи никоҳ қурган ёки мустақил ҳаёт оstonасида турган ҳар бир ёш ўз турмушдан рози бўлиб яшасин. Оилани муқаддас деб билсин.

Ҳақиқатан ҳам, оила — муқаддас қўрғон. Шундай экан, оила деган бебаҳо богимизни асрайлик. Уни Ватаннинг бир бўлаги сифатида азиз тутайлик!

Истам ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ТУҲФА

Хоразм виллоятининг Шовот туманида "Киёт" маданият ва аҳоли дам олиш маркази фойдаланишга топширилди.

Янги марка иш бошлади

Бу ерда янги йилнинг илк кунларидаёқ бир қатор маданий ва маърифий тадбирлар ташкил этилди. Айни пайтда марказда Киёт, Бешмерган, Ойдин сингари қишлоқлардаги санъатсевар аҳолига ашула, рубоб, доира, рақс, инъиз тили, тасвирий санъат, тикувчилик, теннис сингари тўғаракларда машғулотларни бошлаб юборишди.

— Ана шу қишлоқларда ўн етти минг нафарга яқин аҳоли яшайди, — дейди туман маданият ва спорт ишлари бўлими бошлиғи Ширинжон Жуманиёзова. — Ишончимиз қолмадики, ушбу марказ аҳоли, айниқса, ёшларимиз мириқиб дам оладиган, маданият ва спорт соҳасида ўз салоҳиятини намойён этадиган масканга айланади.

Дилфуза ҚАРШИБОВЕВА.

Шифобахшликда тенгсиз

Зайтун дарахти қадим замонлардан буён маданий равишда парвариланиб келинади. Унинг меваси ва мойи нафақат озик-овқат, балки кўпгина хасталикларга шифо сифатида жуда қадрланади.

НАБОТОТ



Масалан, жайдари зайтун учук, эшакеми, тошма, кўтир, темираткига малҳам бўлса, мойи кишига қувват бағишлаб, ични латифлаштирган ҳолда, ёмон хиллардан тазолайди. Зайтун мойи билан оғиз чайлса, қонийдиган милк ва тишларни мустаҳкамлайди.

Сабаби, зайтун мевалари таркибиде 70 фоиз мой бўлиш билан бирга, антицианлар, пектин,

карбонсув, катехинлар, қатрон каби моддаларга ҳам жуда бой. Ўсимлик баргларида ҳам эфир мойлари, органик ациллар, фитостерин, қатрон бор. Эфир мойида эса эвгенол ва камфен аниқланган.

Халқ табиоти амалиётида зайтун мойи қабзият ва турли захарланишларнинг олдини олишда омил сифатида тавсия қилинади. Бундай пайтда зайтун мойи илик сут ёки илик сувдан сўнг иччилгани маъқул. Мабодо, қабзият кучли бўлса, тахминан 100 грамм миқдоридида зайтун мойи илик ҳолида ҳуқна қилинса, азиятдан зумда халос этади. Ўт қопчасида тоши бор киши-

лар мунтазам равишда зайтун мойи ичиб юрса, бу дарддан фориғ бўладилар. Қолаверса, киши танаси урилганида, эти эзилганда, ари, болари, қовғари чаққанида у ташқи муолажа сифатида қўлланилади.

Баъзи мамлакатларда зайтун дарахтининг сархил баргларида олинган ажратма (экстракт) билан хафакон (гипертония) касаллиги даволанади. Кўз хиралашшига қарши узок муддат сақланган зайтун мойи суртма сифатида ишлатилади. Шунингдек, у подагра дардини энгиллаштириш хусусиятига ҳам эга.

Маннон НАБИЕВ, доришунос.

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 167. 155 861 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни қўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона (0-371) 233-52-55; Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.



Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Режема материаллари учун тахририят жавобгар эмас.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарк" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:

100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи муҳаррир — С. Махсумов. Навбатчи — Д. Солиқов. Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

"Шарк" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 20.20 Топширилди — 21.20 1 2 3 4 5